

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич

НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ
БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР 13

3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 19

4. АДILКАРИЕВА Феруза

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ 26

5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович

КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ
БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ..... 31

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна

ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА 36

7. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 42

8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли

АХБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ 49

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o'g'li

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ТАРАФЛАР ИХТИЙОРИГА БОГ'ЛИҚ ВО'ЛМАГАН HOLATLAR
ВО'ЙИЧА БЕКОР ҚИЛИНИШИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ 54

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10. ЮНУСОВ Ҳайдарали

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ:
МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ 61

11. МАХАМАТОВ Махмуд

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 69

12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич

МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ 74

13. РАШИДОВА Комила Искандаровна

ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК
МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ 81

14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	87
15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ	91
16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ.....	96

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	102
18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ	107
19. ЮЛДАШЕВА Говхержан САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	112

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби таянч докторанти (PhD)
ORCID: 0000-0002-4879-073X
E-mail: murodullaevaguli@gmail.com

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МУРОДУЛЛАЕВА Г.Х. Давлат бошқаруви тизимида манфаатлар тўқнашувининг ҳуқуқий табиати // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) Б. 19-25.

 6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-3>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада давлат бошқарув тизимида манфаатлар тўқнашуви тушунчаси илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Бундан ташқари, давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашувининг мазмунини коррупциянинг намоён бўлиши сифатида ўрганилган. Давлат бошқаруви тизимидаги манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш тартибини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон қонунчилигининг қиёсий ҳуқуқий таҳлили ўтказилган. Халқаро ва миллий қонунчилик асослари мазмунидан келиб чиқиб, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Калит сўзлар: давлат бошқаруви, коррупция, манфаатлар тўқнашуви, шахсий манфаатдорлик.

МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи
Базовый докторант (PhD) Высшей школы судей при
Высшем судебном совете Республики Узбекистан
E-mail: murodullaevaguli@gmail.com

ЮРИДИЧЕСКИЙ ХАРАКТЕР КОНФЛИКТА ИНТЕРЕСОВ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье проводится научно-теоретический анализ понятия конфликта интересов в сфере государственного управления. Кроме того, изучено содержание конфликта интересов на государственной службе как проявление коррупции. Проведен сравнительно-правовой анализ международно-правовых норм и законодательства Узбекистана, регламентирующих порядок разрешения конфликта интересов в системе государственного управления. На основании содержания рамок международного и национального законодательства внесены предложения и рекомендации по устранению конфликта интересов.

Ключевые слова: коррупция, конфликт интересов, общественный контроль, личная заинтересованность.

MURODULLAYEVA Gulnura

Doctoral student (PhD) of the Supreme School of Judges under the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan
E-mail: murodullaevaguli@gmail.com

LEGAL NATURE OF A CONFLICT OF INTEREST IN THE SYSTEM OF PUBLIC ADMINISTRATION

ANNOTATION

This article provides a scientific and theoretical analysis of the concept of conflict of interest in the field of public administration. In addition, the content of the conflict of interest in the public service as a manifestation of corruption was studied. A comparative legal analysis of the international legal norms and legislation of Uzbekistan, which regulate the procedure for resolving conflicts of interest in the public administration system, has been carried out. Based on the content of the framework of international and national legislation, proposals and recommendations have been made to eliminate conflicts of interest.

Keywords: corruption, conflict of interest, public service, personal interest.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан қабул қилинган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви вужудга келишини бартараф этиш, мазкур жараёнга кенг жамоатчиликни жалб қилиш ва давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш [1] масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги мазкур соҳани такомиллаштиришни тақозо этади.

Манфаатлар тўқнашуви ҳамма жойда учрайдиган ҳодисадир. Шунга ўхшаш вазиятлар ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида пайдо бўлиши мумкин. Манфаатлар тўқнашуви мисоллари оила аъзолари ва синфдошлар ўртасида, бир ташкилот ходимлари ўртасида ва ҳамфикрлар томонидан яратилган жамоаларда кенг тарқалган. Бундан ташқари, уларнинг мавжудлиги одамларнинг бир-бирига нисбатан шахсий душманлигини англатмайди. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган энг қийин соҳалар сиёсий ва давлат секторларидир.

Аксилкоррупция агентлиги томонидан олиб борилган ўрганишларида Самарқанд вилоятида 277 та ҳолатда 10,9 млрд сўмлик, Фарғона вилоятида 158 та ҳолатда 8,1 млрд сўмлик, Сирдарё вилоятида 20 та ҳолатда 1,6 млрд сўмлик, Қашқадарё вилоятида 66 та ҳолатда 1,1 млрд сўмлик, Навоий вилоятида 14 та ҳолатда 0,3 млрд сўмлик давлат харидлари бўйича тузилган шартномаларда аффилиланганлик ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган [2]. Ушбу статистик маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, бугунги кунда давлат бошқаруви тизимида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари яққол кўзга ташланяпти. Шу сабабли манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига илк маротаба манфаатлар тўқнашуви тушунчаси киритилиши мамлакатнинг халқаро ҳужжатлардаги мажбуриятлари билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилган. Мазкур конвенциянинг 7-моддасида ҳар бир иштирокчи давлат қонунчилигининг асосий принципларига мувофиқ шаффофликни таъминлайдиган ва манфаатлар тўқнашувининг олдини оладиган тизимни яратиш ва мустақамлашга интилиши кераклиги билан боғлиқ қоидалар белгиланган. Шундан кейин манфаатлар тўқнашуви ҳуқуқий атама сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида келтириб ўтилган.

Мазкур Қонунда манфаатлар тўқнашувига шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият сифатида белгиланди. [3]. Ушбу таърифга ўхшаш таъриф Ўзбекистон Республикасининг

2022 йил 8 августда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида ҳам ўз аксини топган [4].

Тушунчаларнинг моҳиятига кўра манфаатлар тўқнашувини коррупция билан тенглаштириб бўлмасда, шахсий манфаатлар ва мансабдор шахсларнинг давлат мажбуриятлари ўртасидаги зиддиятларни ҳал этишни нотўғри бошқариш коррупцияни келтириб чиқариши мумкинлиги эътироф этилмоқда. Давлат хизматидаги ўхшаш вазиятга нисбатан атаманинг бундай талқини, бизнинг фикримизча, давлат хизматчисининг ҳам моддий, ҳам бошқа шахсий манфаатларидан келиб чиққан хатти-ҳаракатларини қамраб олади.

Манфаатлар тўқнашуви ҳодиса сифатида мураккаб назарий ва амалий муаммодир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, аксарият мамлакатларда бу ҳуқуқий тоифа бўлиб, у ноаниқ хусусиятга эга, хусусий, давлат ва жамоат манфаатлари ўртасидаги ноаниқ чегараларга эга, ички ва ташқи назорат қилиш қийин, олдини олиш ва ҳал қилиш учун ноаниқ, мавҳум ва тўлиқ бўлмаган механизмга эга.

Илмий адабиётларда манфаатлар тўқнашуви тушунчасига хизматдаги ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ўзи ёки учинчи шахслар учун пулга, моддий қимматликка, шунингдек мулкӣ ёки бошқа ҳуқуқларга алмаштиришдир, деб берилган таърифни ҳам учратиш мумкин [5].

Миллий олимларимиздан Б.Исмаилов ҳам манфаатлар тўқнашуви ифодаладиган вазиятларни маиший коррупция билан боғлаб, кичик миқдордаги порахўрлик, тижорий пора олиш, кичик совға ва мукофотларни олиш кабиларни мисол сифатида келтириб ўтади. Шу ўринда олим халқаро статистик манбаларга эътибор қаратиб, дунё амалиётида давлат хизматчилари томонидан совға ва мукофотларни қабул қилиш миқдор жиҳатдан 300-500 АҚШ доллар эканлигини келтириб ўтади [6].

Р.Зуфаров ва Б.Ахраровлар ғайриқонуний манфаатлар тўқнашувининг асосий хусусиятларини ўзида ифода этган одатларни қонунийлаштириш, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, давлат бюджети ҳисобидан ўз эҳтиёжларини қондириш каби ҳолатларни коррупциянинг яширин шакли ҳисобланиши ҳақида фикрлар билдириб ўтган [7].

М.В.Першиннинг таъкидлашича, манфаат субъектнинг ўзига хос ҳаёт шароитларига муносабати билан белгиланади, бунда субъект тасаввурдаги манфаатларга бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратади [8]. Демак, манфаатларнинг ижтимоий боғлиқлиги шундаки, жисмоний шахсларнинг шахсий эҳтиёжлари қондириш билан боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда “манфаатлар тўқнашуви” ибораси давлат бошқарув соҳасидаги жараёнлар ва ҳодисаларнинг характеристикаси сифатида давлат хизмати билан қаттиқ боғлиқдир.

“Манфаатлар тўқнашуви” тушунчасининг норматив таърифи, бундай тўқнашувнинг мавжудлигини қуйидаги ҳолларда қайд этишни имкон беради:

- давлат (маҳаллий) хизматчисининг манфаатлар тўқнашуви учун фактик асос бўлиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширишда шахсий манфаати;
- шахсий манфаатлар ва фуқароларнинг ташкилотларнинг, жамиятнинг, Ўзбекистон Республикасининг қонуний манфаатлари ўртасидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиши;
- ушбу қонуний манфаатларга зарар етказиш қодирлиги.

Кўриб турганимиздек, “манфаатлар тўқнашуви” тушунчасининг таърифи нафақат муайян вазиятдаги реал қарама-қаршиликларни, балки келажакда фаразий жиҳатдан ҳам мумкин бўлган масалаларни ҳам қамраб олган.

Давлат бошқарув тизимида манфаатлар тўқнашуви ўзига хос хусусиятларга эга, шунинг учун алоҳида кўриб чиқишни талаб қилади. Давлат бошқарув тизимидаги манфаатлар тўқнашуви деганда, давлат хизматчисининг манфаатлари (тўғридан тўғри ёки билвосита) таъсир кўрсатиши ёки келажакда расмий вазифаларини норматив бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолат тушунилади, бунинг натижасида давлат хизматчисининг шахсий манфаатлари билан фуқароларнинг, умуман жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида зиддиятлар пайдо бўлиши хавфи вужудга келади.

Ҳуқуқшунос Ш.Абакуловнинг фикрича, давлат органлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви: давлат хизмати ходимларининг ваколатлари аниқ ва тўла таърифланмагани; давлат органлари ваколатларининг ўхшашлиги, шунингдек уларнинг фаолиятидан аҳоли етарлича хабардор эмаслиги; ҳокимият органларининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида коррупциявий нормалар мавжудлиги; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий бўшлиқлар, қарама-қаршиликларнинг тўлиқ бартараф этилмагани; ҳокимиятнинг бошқа давлат органлари ишига аралашishi;

мансаб мажбуриятларини бажармаслик учун жавобгарликнинг аниқ белгиланмагани; давлат хизматчиларининг вазифасини бажариши устидан етарли назорат ўрнатилмагани ёки унинг сустиги; хизматчиларнинг касбий фаолиятига ноқонуний аралашидан етарлича ҳимоя қилинмагани оқибатида юзага келиши мумкин [9].

Айтиш жоизки, давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви назарий ва амалий жиҳатдан мураккаб муаммодир. Чунки, манфаатлар тўқнашуви ҳуқуқ фанида ҳали тўлиқ тадқиқ қилинмаган. У турли тавсифга эга бўлиши билан бирга, хусусий, давлат ва жамият манфаатлари ўртасидаги чегараларнинг аниқ кўринмаслиги, ички ва ташқи назоратини ташкил қилиш мураккаблиги, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш механизмларининг илмий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ноаниқ хусусиятлари билан ажралиб туради.

Манфаатлар тўқнашувининг асосий сабаблари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

мансабдор шахс учун белгиланган ахлоқ талаблари ва нормаларини бузиш (эътиборсиз қолдириш);

ходимга юклатилган вазифаларни бажармаганлиги;

хизмат вазифаларини бажаришда фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини эътиборсиз қолдириш;

миллий қонунчилиги нормаларига риоя қилмаслик; унинг иш берувчиси томонидан ходимга қўйиладиган чеклашлар ва тақиқларнинг бузилиши [10].

А.Бўриевнинг таъкидлашича манфаатлар тўқнашуви - шахсий манфаатдорлик ташкилот ходимининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан ташкилотнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият тушунилади [11].

Шахсий манфаатдорлик, ўз навбатида, пул шаклида, бошқа мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар, мулкӣ хусусиятдаги хизматлар, бажарилган иш натижалари ёки давлат хизматлари ва (ёки) улар учун ҳар қандай имтиёзлар (афзалликлар) шаклида даромад олиш имкониятини англатади, у билан шахслар (ота-оналар, турмуш ўртоғи, болалар, ака-укалар, опа-сингиллар, яқин муносабатда бўлган шахслар ёки мулки билан чамбарчас боғлиқ бўлган шахслар) тушунилади.

Манфаатлар тўқнашуви тушунчасини классификациялашнинг турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, бир-бирига қонуний боғлиқликни аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Давлат бошқарув тизимида манфаатлар тўқнашуви турли соҳаларда мавжуд бўлиши мумкин. Жумладан, иқтисодий (бюджет, давлат харидлари, тендерлар, хусусийлаштириш), сиёсий (сайловлар, сиёсий партияларга аъзолик) ва хизмат вазифаси билан боғлиқ (хизматга кириш, унинг ўтиши ва ишдан бўшатилиши) соҳаларида. Ушбу соҳаларнинг ҳар бирида манфаатлар тўқнашуви юзага келишнинг ўзига хос манбалари, намоён бўлиши, юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлари ва уни ҳал этиш йўллари эга.

Иқтисодий манфаатлар – инвестицион лойиҳалар кўп жиҳатдан олий мартабали амалдорлар ўз ихтиёрига кўра қабул қиладиган қарорлар билан белгиланади. Айрим лойиҳалар белгиланган гуруҳлар лойиҳа ижрочиси сифатида тайинланадиган шахслардан рента олиши учун махсус ташкил қилинади. Давлат харидлари, қоидага кўра, конкурс асосида бир нечта таклиф орасидан объектив равишда энг яхшисини танлашни назарда тутаяди, лекин баъзида амалдор битимдан энг кўп “комиссион тўлов” ваъда қилган сотувчининг ғалабасини таъминлаши мумкин. Бунинг учун конкурсда иштирок этиш чегараланади, унинг қоидалари тўлиқ маълум қилинмайди ва ҳ.к. Натижада харидлар оширилган нархлар бўйича амалга оширилади.

Сиёсий манфаатлар – шахснинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга, воқеа ва ҳодисаларга, эътиқодлари ва қарашларига асосланган муносабати билан тавсифланади. Хизмат вазифаларни бажаришда сиёсий манфаатларнинг таъсири давлат хизматчисини сиёсий жараёнларга жалб қилиш билан белгиланади ва одатда доимий (улар қўллаб-қувватлайдиган сиёсий ташкилотлар билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш) ва вазиятли фактлар (сайлов олди ташвиқоти пайтида хизмат лавозимдан фойдаланишга сиёсий манфаат) мажмуи билан боғлиқ [12].

Хизмат манфаатлари, давлат хизматчисининг хизмат вазифаси шахснинг тегишли норматив ҳужжатлар ва иш берувчи вакили билан тузган меҳнат шартномасидан келиб чиқадиган хизмат регламенти доираси билан белгиланади. Хизмат вазифалар давлат

хизматчиларига фақат давлат органларининг вазифалари ва функцияларини ижтимоий фойдали мақсадларда бажариш учун берилади. Хизмат манфаатлар давлат хизматчисининг моддий манфаатлари билан бевосита боғлиқдир. Ушбу ўзаро таъсир давлат хизматчилари томонидан унинг моддий таъминоти ва касбий фаолиятини рағбатлантиришнинг асосий воситаси бўлган иш ҳақи олишдир, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган давлат кафолатларида ифодаланади.

Шуни таъкидлаш керакки, биз кўриб чиқаётган соҳадаги муҳим фикрлардан бири - бу унинг мансабидир, яъни вақт ёки ўқилган ёхуд тайёрланган ҳужжатлар сони билан ўлчанмайди, балки аввало ташкилий ва маъмурий ваколатларнинг мавжудлигидадир. Кўпгина тадқиқотчилар манфаатдорлик субъектларини давлат бошқарувининг ташкилий тузилиши орқали аниқ кўриб чиқадилар ва айнан мансаб атрофида барча бошқа манфаат субъектларини шакллантиради ва шунга мос равишда объектив характерга эга деб ҳисоблайдилар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, манфаатлар тўқнашувини тушунишда асосий тушунча шахсий манфаатдир. Бу шуни англатадики, ходим, шу жумладан давлат хизматчиси, хизмат вазифаларини бажараётганда даромад олиш имкониятига эга. Даромад нақд ва натура шаклида бўлиши мумкин, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам бу давлат хизматчисига ёки унинг шахсий манфаати бўлган оила аъзоларига, қариндошларига, ташкилотларга фойда келтиради. Бунинг оқибатида, давлат ва жамият учун таҳдидларни келтириб чиқаради, шу жумладан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузилиши билан бирга, муайян давлат органининг обрўсига зарар етказилади.

Манфаатлар тўқнашувини олдини олишнинг нозиклиги ва мураккаблиги шундаки, у коррупциянинг аналоги (шакли ёки тури) ёки сабаби бўлиб ҳисобланмаслиги ҳам мумкин, ва аксинча коррупция бўлмаган тақдирда ҳам манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда манфаатлар тўқнашуви ташкилий ва норматив камчиликларнинг натижасида келиб чиқади. Бу эса ўз навбатида, конфликтларни тартибга солиш жараёнини мураккаблаштиради, албатта ташкилий ва норматив муҳитни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда давлат хизматчисини манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган шахсий манфаатдорликни чеклаш (рад этиш) тартиби тўла ишлаб чиқилмагани, шунингдек давлат хизматчиларини манфаатлар тўқнашувида ўзини қандай тутишга ўргатиш тизими ҳали талаб даражасида йўлга қўйилмагани кўриб чиқилаётган масаланинг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонуннинг 21- моддасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш чоралари баён қилинган бўлиб, унга кўра: манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслик, манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиш, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриш, давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш бўйича чоралар кўриш ҳамда йўл қўйилган бузилишларга қонун ҳужжатларга мувофиқ жазо муқаррарлигини таъминлаш лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Албатта, давлат бошқарув тизимида манфаатлар тўқнашувини юзага келиши эҳтимолини бутунлай бартараф қилиш қийин бўлганлиги сабабли, бу соҳада коррупциянинг олдини олишнинг асосий усуллари билан бири манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва уни самарали ҳал этиш ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида, хусусан, Канада, Хорватия, Ирландия, Чехия ва Хитой каби давлатларда манфаатлар тўқнашуви алоҳида махсус қонун билан тартибга солинган. Канадада 2006 йил 12 декабрда қабул қилинган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” ги қонунида манфаатлар тўқнашувини давлат хизматида бўлган, расмий ҳокимият вакили ёки унга имконият яратиб берадиган расмий функциялар ёки вазифаларни бажарадиган мансабдор шахс ўзининг шахсий манфаатлари, қариндошлари, дўстлари ёки бошқа шахсларнинг шахсий манфаатларини илгари суриш сифатида тушунтиради. 2006 йилдаги Чехия “манфаатлари тўқнашуви тўғрисида”ги қонунда манфаатлар тўқнашуви мансабдор шахснинг шахсий манфаатлари учун расмий лавозимдан фойдаланиш ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари, уларнинг қариндошлари, ишбилармонлари учун асоссиз устунликларга эга бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги деб таърифланади [13].

Хорижий давлатлар қонунчилигининг таҳлили ўз навбатида, муносабатни махсус тартибга солиш бўйича ҳуқуқий масъулиятни кучайтирмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳамда манфаатлар тўқнашуви бўйича ҳаволаки нормаларнинг кўплигини инобатга олиб, мамлакатимизда “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги махсус қонунни қабул қилишга эҳтиёж мавжуд ва ҳозирда ушбу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга кўриб чиқиш учун юборилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунлоиҳасининг 7-моддасида давлат ташкилот ходимларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш соҳасида ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритилган бўлиб, ушбу модданинг иккинчи қисмида бевосита давлат ташкилоти ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймасликлари кўрсатилган [14].

Давлат хизматчисининг манфаатларини шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: биринчидан, бу хизмат манфаатлари яъни давлат хизматчилари томонидан жамият ва давлат манфаатларини тегишли иш ҳақи эвазига амалга ошириши, иккинчидан, булар давлат хизматчиси бўлган субъектнинг мулкӣ ва номулкӣ шахсий манфаатлари.

Бизнинг фикримизча, шахснинг шахсий мулкӣ манфаатлари моддий манфаатлар олишни ўз ичига олади. Давлат хизматчиси учун эса қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган моддий манфаатлар олиш коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларида тақиқланади.

Шахснинг, шу жумладан давлат хизматчисининг шахсий номулкӣ манфаатларига номоддий манфаатлар ҳам киради. Масалан, шон-шараф, қадр-қиммат, оила аъзолари ўртасидаги номулкӣ муносабатлар ва бошқа.

Давлат хизматчисининг шахсий номулкӣ манфаатлари билан жамият ва давлат манфаатлари ўртасидаги зиддият ҳам ўз моҳиятига кўра манфаатлар тўқнашувидир.

Давлат бошқаруви соҳасидаги жараён ва ҳодисаларни тавсифлаш учун манфаатлар тўқнашуви иборасининг қўлланилиши давлат хизматчисига унинг хизмат вазифаларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай шахсий манфаатларнинг таъсирининг олдини олиш зарурати билан боғлиқ.

Айтишимиз мумкинки, коррупцияга қарши курашиш мақсадида “манфаатлар тўқнашуви” доираси моддий манфаатлар билан чекланади.

А.Ильяковнинг фикрича эса давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашуви бир томондан давлат ва жамият манфаатларининг, иккинчи томондан эса давлат хизматчиси манфаатларининг тўқнашувида, ўзаро келишмовчиликларида юзага келадиган ҳолатдир [15]. Манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқишига фуқаролар ва давлат хизматчиларининг ахлоқий қарашлари, маънавий-руҳий муносабати ҳам муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, ахлоқий қараш ва қадрятлари уларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришда муҳим асос ҳисобланади. Мазкур хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида У.Таджихонов ва А.Саидовлар шундай фикр билдиради: Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ва ахлоқи ўртасидаги боғланишга эътибор бериш лозим. Шу муносабат билан, мансабдор шахсларда касбий ва сиёсий хислатлар билан бир қаторда ахлоқий фазилатлари ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқдир [16].

Манфаатлар тўқнашувининг мазмунини шахсий манфаатдорлик ташкил этсада, шахсий манфаатдорлик фақатгина яқка шахс, яъни давлат хизматини ўтовчи субъект билан эмас, балки унинг оиласи, дўстлари, қариндошлари ёки ишбилармонлик ва сиёсий муносабатларга эга бўлган бошқа шахслари билан ҳам юзага келиши мумкинлигини эътиборга олиш керак.

Бундан ташқари, манфаатлар тўқнашувини фақатгина давлат сектори билан чегараламаслик керак. Манфаатлар тўқнашуви хизматни ўташда суистеъмолликка йўл қўйиш, шахсий манфаатга қизиқиш хизмат вазифаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ва бунинг натижасида давлат ва жамият манфаатларига зиён етказиш орқали келиб чиқар экан бундай ҳолат хусусий секторда ҳам юзага келиши мумкин, яъни бунда асосий меъзон ташкилот ёки орган эмас хизматни ўташдаги шахсий манфаатдорликдир [17].

Хулоса қилиб айтганда, давлат хизматчилари томонидан расмий хулқ-атворга қўйиладиган талабларга риоя қилиш, давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш устидан доимий назоратни амалга ошириш зарур. Бундан ташқари агар вакант давлат хизмати лавозимини эгаллаш учун номзодлардан бири унинг қариндоши бўлса, давлат ходимини кадрлар бўйича танлов комиссиясидан чиқариб ташлаш тавсия этилади. Шу билан бирга,

